ЮЗ-ЖАҒ ТИЗИМИ ТУҒМА АНОМАЛИЯЛАРИНИНГ КЛИНИК-ФУНКЦИОНАЛ ХУСУСИЯТЛАРИ

Хужамуратов О.Ф., Қурёзов А. Қ., Қурёзов Ш.А.
Урганч давлат тиббиёт институти

Мавзунинг долзарблиги. Юз-жағ тизими туғма аномалиялари болалар ва ўсмирлар орасида учрайдиган энг муҳим краниофациал патологиялардан бири ҳисобланади. Лаб ва танглай кемтиги, юз скелети деформациялари, прикус бузилишлари, юқори лаб ва алвеоляр ўсимтадаги кемтиклар нафақат эстетик нуқсон, балки овқатланиш, ютиш, сўриш, нутқ ва психоэмоционал ривожланишни ҳам жиддий равишда бузади. Хоразм вилоятида қишлоқ аҳолиси улушининг юқорилиги, репродуктив ёшдаги аёлларнинг саломатлиги, пренатал кузатув сифатининг турлича даражада эканлиги, перинатал ёрдамнинг бир хил эмаслиги юз-жағ тизими туғма аномалиялари билан болаларнинг сони ва уларнинг функционал ҳолатига таъсир этувчи омиллар сифатида қаралиши мумкин.

Материал ва усуллар.Тадқиқотга 2021–2024 йиллар мобайнида Хоразм вилоятида юз-жағ тизими туғма аномалиялари муносабати билан кузатувда бўлган ёки даволанган 200 нафар бемор киритилди. Юз-жағ тизими туғма аномалиялари билан беморларнинг асосий қисми 0–6 ёш гуруҳига тўғри келди (55,5 %), бу эрта болалик даврида мазкур патологияларнинг клиник аҳамияти ва реабилитацияга эҳтиёж юқорилигини кўрсатади. Жинсий жихатдан беморлар орасида тахлил ўтказилганида таркиб деярли тенг бўлиб, аёллар бироз устунроқ (51,5 %) эканлиги аниқланди.

Олинган натижалар. Олинган натижалар юз-жағ тизими туғма аномалиялари (асосан лаб ва танглай кемтиги, альвеоляр ўсимта кемтиги ва улар билан боғлиқ кранио-фациал деформациялар) билан боғлиқ патологиялар Хоразм вилояти шароитида ҳам жаҳон адабиётида қайд этилган тенденцияларга мос равишда, болалик ёшида устунлик қилишини кўрсатди. Орофациал кемтикларнинг дунё бўйича туғилишга нисбатан тарқали-ши 1000 тирик туғилган чақалоққа 0,3–0,45 ҳолат атрофида эканлиги (айрим минтақалар-да 1–2/1000 гача) кўрсатилган бўлиб, мега-таҳлилларда бу кўрсаткич 0,3/1000 (лаб кем-тиги), 0,33/1000 (танглай кемтиги) ва 0,45/1000 (лаб+танглай кемтиги) атрофида эканлиги қайд этилган. Бу

маълумотлар юз-жағ тизими туғма аномалияларининг глобал саломатлик муаммоси эканлигини кўрсатиб, Хоразм вилоятидаги 200 нафар бемор мисолида олинган маълумотлар айнан шу умумжаҳон эпидемиологик манзаранинг бир қисми эканини тас-диқлайди.Бизнинг тадқиқотда беморларнинг асосий қисмини 0–6 ёш (55,5 %) ва 7–12 ёш (30,5 %) гуруҳлари ташкил этди.

Функционал бузилишлар таҳлили ҳам халқаро адабиётлар билан яхши уйғунликда. Бизнинг тадқиқотда овқатланиш функцияси 91,5 % беморда, ютиш – 76,0 %, сўзлашув нутқи – 59,5 %, сўриш – 25,5 %, чайнаш – 12,0 %, тишлаш – 3,5 % ҳолатларда бузилгани аниқланди. Орофациал кемтикларда ютиш қийинчиликлари бўйича тадқиқотларда, масалан, фаыат танглай кемтиги бўлган болаларда овқатланиш қийинликларининг учраш частотаси 67–72 % атрофида эканлиги, айрим муаллифлар эса Pierre Robin спектри ёки оғир кемтик шаклларида бу кўрсаткич 90 % дан ортиқни ташкил этишини кўрсатади. Бизнинг 91,5 % кўрсаткичимиз ана шу юқори интервал чегарасига яқин бўлиб, намунада кемтикларнинг шакли ва оғирлик даражаси катта бўлган гуруҳларнинг нисбати сал юқорироқ бўлиши, шунингдек, бир қанча беморларда бир вақтнинг ўзида лаб, танглай ва альвеоляр ўсимтадаги нуқсонлар комбинацияси мавжудлиги билан изоҳланиши мумкин.

Нутқ функциясидаги бузилишлар (59,5 %) ҳам адабиётларда келтирилган маълумотлар билан солиштирилганда яыиин кщрсаткичларга эга. Нутқ ва тил ривожланиши бўйича тадқиқотларда лаб ва танглай кемтиги бўлган болаларда нутқнинг кечикиб ривожланиши, овоз тембри ва артикуляциянинг ўзгариши, носилим овоз, фонемаларни нотўғри талаффуз қилиш холатлари 50–80 % интервалда учраши кўрсатилган. Бизнинг натижаларимизнинг 59,5 % даражада бўлиши шу тадқиқотлар билан мос келади ва нутқ патологиялари юз-жағ аномалиялари структурасида албатта логопедик ва нутқ терапиясини талаб этадиган компонент эканини тасдиқлайди.

Ортодонтик ўзгаришлар – тишлар жипслашувининг бузилиши (9,0 %), прикус бузилишлари – 7,5 %, шу жумладан тескари (1,0 %) ва аралаш прикус (1,5 %) ҳолатлари – жахон адабиётида келтирилган маълумотлардан нисбатан паст кўринади. Функционал бузилишларнинг юқори частотаси (айниқса, овқатланиш, ютиш ва нутқ функциялари) илмий адабиётларда таъкидланганидек, фақат юз-жағ морфологияси эмас, балки бутун организимнинг нутритив статуси, психомотор ривожланиши ва ижтимоий адаптациясига таъсир кўрсатишини кўрсатади. Овқатланиш ва ютиш дисфункциялари билан боғлиқ

тадқиқотларда сўлак оқиши, аспирация ва озиқ моддаларни етарлича ўзлаштирмаслик каби симптомлар кўпинча шундай беморларда жиддий нутритив дефицит ва суст ўсиш билан боғлиқ эканлиги таъкидланган. Бизнинг маълумотларимизда ҳам овқатланиш, ютиш функцияларининг шундай юқори даражада бузилгани ушбу гуруҳда нутритив реабилитация, диетолог ва нутқ терапевти иштирокини ҳам талаб қилишини кўрсатади.

Хулоса: Хоразм вилоятида юз-жағ тизими туғма аномалиялари билан касалланган беморларнинг асосий қисми 0–6 ёш (55,5 %) ва 7–12 ёш (30,5 %) гуруҳларига тўғри кели-ши аниқланди. Жинсий таркибда аёллар (51,5 %) ва эркаклар (48,5 %) деярли тенг улушни ташкил этди. Беморларнинг мутлақ кўпчилиги қишлоқ ҳудудларида (92,5 %) яшайди, бу эса қишлоқ тиббиёт тизимида краниофациал аномалияларни эрта аниқлашни кучайтириш зарурлигини кўрсатади. Барча ҳолатларда юз-жағ тизими аномалиялари туғма характерига эга бўлиб, орттирилган нуқсонлар қайд этилмади. Овқатланиш (91,5 %), ютиш (76,0 %) ва нутқ (59,5 %) функцияларидаги бузилишлар энг кўп учрайдиган клиник симптомлар бўлиб, кўплаб беморларда бир вақтнинг ўзида бир неча функция бузилишлари комбина-цияси қайд этилди. Тишлар жипслашуви бузилиши (9,0 %) ва прикус аномалиялари (жами 7,5 %) юз-жағ тизими туғма аномалияларида ортодонтик патологиялар ҳам долзарб экан-лигини кўрсатади. Беморларнинг ярмидан ортиғи (54,0 %) ҳали операция қилдирмаган бўлиб, хирургик ва ортодонтик реабилитация босқичларини илмий асосланган алгоритм асосида режалаштириш зарур.